

Термиз давлат
университети

ТермДУ



ТАЪЛИМ ВА ТЕХНОЛОГИЯ

Илмий-услубий мақолалар тўплами



ТАЪЛИМ ВА ТЕХНОЛОГИЯ
илмий-услубий мақолалар тўплами
(2016-йил декабрь),
Термиз шаҳри

ОБРАЗОВАНИЕ И ТЕХНОЛОГИЯ
сборник научно-методических статей
(2016 год, декабрь),
город Термез

EDUCATION AND TECHNOLOGY
collection of scientific-methodical articles
(December, 2016)
Termez city

СИНТЕЗ И ИССЛЕДОВАНИЕ КООРДИНАЦИОННОГО СОЕДИНЕНИЯ СУКЦИНАТА НИКЕЛЯ С НИКОТИНАМИДОМ Г.Ж. Муқимова, Н.М. Зиёдуллаев-ТермГУ	382
К ИСПОЛЬЗОВАНИЮ ВОДЫ В ПРОИЗВОДСТВЕ А.Т.Бутаяров - ТермДУ	384
О. ГЕНРИНИНГ «ИШБИЛАРМОН КИШИЛАР» ҲИКОЯЛАР ТЎПЛАМИНИ ЎЗБЕК ТИЛИГА ЎТИРИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР Ф.Ш. Исоқова - ТермДУ талабаси.....	386
КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИНИНГ АКМЕОГРАММАСИ ХУСУСИДА Ч.Э. Худойкулов – Қумқўрган қурилиш ва транспорт КХК ўқитувчиси, У.А. Ўшқувватов –ТермДУ талабаси.....	388
ДОНЛИ ЭКИНЛАРНИ ЎРИБ-ЙИҒИБ ОЛИБ, СЎНГРА СТАЦИОНАРДА ЯНЧИБ ОЛИШ ВА БУНДА ИШЛАТИЛАДИГАН ҒАЛЛАЯНЧГИЧЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР А.Т.Умиров-ТермДУ	391
ҚОРАҚЎЛЧИЛИКДА НАСЛДОР ҚЎЧҚОР ВА СОВЛИҚЛАРНИ ЖУН ҚОПЛАМИ ТУЗИЛИШИ БЎЙИЧА ТАНЛАШ М.И. Омонов– ТермДУ	393
ҚАДРИЯТЛАРНИНГ УЛУҒВОР ТАЛҚИНИ М. Бозорова – ТермДУ	396
К ВОПРОСАМ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ УЧАЩИХСЯ Б.М.Саидов, Б.Э.Шамаев-ТермГУ.....	398
ПРОБЛЕМЫ ИНТЕГРАЦИОННОЙ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ТЕХНОЛОГИИ В УЧЕБНО-ВОСПИТАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ Р.Р. Имамкулов – ТермГУ.....	400
ТОҲИР МАЛИКНИНГ “ОВ” ҚИССАСИДА ҚАҲРАМОНЛАР ТАСВИРИ С.С. Расулова - ТошДЎТАУ	402
МЕХНАТ ТАЪЛИМИ ФАНИНИ “КЕЙС СТАДИ” ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ Р.Г.Исянов, Д.Н.Маматов - ТДПУ	404
АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИДА ТРАНСПОРТ ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ З.О.Саматов, - ТермДУ, А.Д. Алимардонов- талаба	408
“ЖАҲОН АДАБИЁТИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР ВА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР Э.Жабборов - ТермДУ	410
БИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР С. Х. Султиева-ТермДУ	413
К ИЗУЧЕНИЮ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ УСЛОВИЙ ПО ОБЕСПЕЧЕНИЮ БЕЗОПАСНОСТИ ЖИЗНЕДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТУДЕНТОВ Э.Т.Туракулов, Т.Ю.Азимов-ТермГУ.....	414
ПРИМЕНЕНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ НА ЗАНЯТИЯХ РУССКОГО ЯЗЫКА (НА ПРИМЕРЕ ОДНОГО ЗАНЯТИЯ) Б.Саидов, Э.Нармуратов - ТермГУ	417
INNOVATION TECHNOLOGIES TO TEACH FOREIGN LANGUAGE К.В.Khasanova-ТермSU	421
ТАЛАБАЛАР ҚОБИЛИЯТИНИ ШАҚЛЛАНТИРИШДА “ҚАНДАЙ” ДИАГРАММАСИНИНГ АҲАМИЯТИ Ш.М.Хужамбердиев-ТермДУ	423

на фундаментальные потребности личности и самовыражения, самоутверждения, самоопределения, саморегуляции и самореализации. Игра определяется как вид деятельности в условиях ситуаций, направленных на воссоздание и усвоение общественного опыта, в котором складывается и совершенствуется самоуправление поведением.

Игровая деятельность призвана выполнять определенные функции. К таким функциям относятся: развлекательная, коммуникативная, самореализации, игротерапевтическая, диагностическая, межнациональная коммуникации, социализации.

Игры имеют спектр целевых ориентаций. Это дидактические, воспитывающие, развивающие, и социализирующие. Реализация педагогических игр происходит по следующим основным направлениям:

Дидактическая цель ставится в форме игровой задачи, Учебная деятельность подчиняется правилам игры, Учебный материал используется в качестве средства игры.

Исследователи проблем высшей школы выделяют следующие виды деловых и эвристических игр: Это такие методы как «Дельфин», «Чёрный ящик», «Дневники».

Таким образом, необходимо изучать опытно-исследовательские работы по педагогической технологии. Сбор банк данных по интерактивным методам критического мышления, игровой технологии – организовать семинар тренинг по проблемам применения.

ТОХИР МАЛИКНИНГ “ОВ” ҚИССАСИДА ҚАҲРАМОНЛАР ТАСВИРИ

С.С. Расулова - ТошДўТАУ

Мўъжизакор сеҳру синоатларни ўзида жо этиш орқали инсониятни хайратга солиш санъатининг турли соҳаларига хос бирламчи хусусиятидир. Зеро, мураккаб ва бирмунча мавҳумроқ нарса-ходисалар инсонга доимо қадрли ва жозибали туюлади. Бу фикр инсоният тақдирининг мураккаб ва ранг-баранг қирраларини чуқур тадқиқ этишга йўналтирилган сўз санъатига, яъни бадиий адабиётга хосдир. Инсоният тақдирининг ранг-баранг қирраларини топиб, асарга жо этиш эса ёзувчининг вазифаси ҳисобланади.

Тохир Малик ижоди ўзбек адабиётига детектив, фантастика ва маърифий асарлари билан янги йўналишларни олиб кирди. У адабиётда ўзига хос мақомга эга ижодкорлардан. Унинг ижодини ўрганиш ҳозирги замон адабиётининг муҳим масалаларини ойдинлаштириш имконини яратади. Адиб қайси жанрда қалам тебратмасин, асарларида ўттизинчи, эллингинчи йилларнинг “сиёсий маҳбус”лари қисматини мохирона ёритиб беришга интилади.

Бизга маълумки, “сиёсий маҳбус”ларнинг аксарияти нима сабабдан қамокқа ҳукм қилинганини билмай, совук ўлкаларда аянчли ўлим топдилар. Ватанга қайтиш истаги улар учун бир умрлик орзу бўлиб қолди. Ана шундай армонда кетган қаҳрамонлар Тохир Маликнинг “Ов” қиссасида мохирона тасвирланади. Қамокхона ҳаёти, маҳбусларнинг совук ўлкалардаги хўрликлари, хоин ватандошларининг зулмлари мазкур қиссада ўз аксини топган.

Тухмат ва ноҳақлик қурбонларининг аянчли қисмати Ватан хурлиги учун жон берган, аммо Ватан тупроғида ётиш насиб этмаган шаҳидлар руҳини шод этмок мақсадида ёзилган “Ов” қиссасида ва чимилдик кўрмай туриб, Сталин замонининг қонсираган аёвсиз қиличидан ўлим топган жабрдийдалар хотирасига бағишланган “Эркин” ҳикоясида яна-да батафсил ёритилган. Қатағон йиллари суронидан фойдаланиб, амалини суистеъмол қилган терговчи Жавлон Жабборов шахсий адовати сабаб Эркиннинг отасини “халқ душмани” деб айблади. Отанинг бевақт вафоти манфур терговчи Жавлоннинг юрагидаги адоватини

сўндир олмагач, у 17 ёшли Эркини хибсга олиб, маънавий ва жисмоний қийноқларга саволларига дош беролмай, рухий ва жисмоний азоблардан қийналиб, ўз томирини тишлаб ўзозлайди. У жонидан кечиб бўлса-да, отасининг хотирасини пок сақлайди, руҳини

Таъкидлаш жоизки, жамият иллатлари ташқаридан туриб холисона кузатилганда ёркинрок намоён бўлади. Тоҳир Маликнинг "Ов" қиссаси фантастик асар. Адиб фантастика орқали она еримизни ўзга сайёралик фазогирлар кўзи билан кузатиб, катагон қурбонларининг аянчли тақдирини қаламга олади. Тоғаси Мирзакалон Исмоилийнинг "Бошқалар юрган йўлдан юрма, ўз йўлингни топ" ўғитига амал қилган Тоҳир Малик ўз йўлини танлади: диққатини миллий фантастика яратишга қаратди. "Фалак" қиссасида адиб фантастикани тарихга боғлаган эди.

"Ов"да ҳам тарихга мурожаат килди, бироқ бу қиссада етук адибнинг тажриба ва маҳорати яққол акс этиб турибди. Қиссада ноҳақ хибсга олиниб, битта баракка қамалган тўрт инсон учрашади. Уларнинг барчаси сиёсий маҳбус, яъни "халқ душмани", аммо дунёкараши, фикрлари, эътиқоди бир-бирига асло ўхшамайди, ҳаттоки, бир-бирини рад этади. Булар Раҳматуллоҳ – Маккада туғилиб, улғайган, ота юртини кўришга келиб, аҳли мўъминга ваъз айтиб юрганида хибсга олинган чин мусулмон, иродаси метин, ўз аҳдига содиқ, имони бут ўзбек фарзанди; Мирҳосил – ўз юртини ҳуррият нафасидан баҳраманд бўлишини истаган шоир йигит; қизил командир – Мадраса кўрган, Николай подшонинг номини хутбага кўшиб ўқиш дуруст эмас, дегани учун мадрасадан қувилган, аччиқ устида бир умрга даҳрийга айланган, ҳақ сўзга айтиб қўйиб қамалган киши; шунингдек, Комиссар – большевикларни кўролмайдиган, аммо кўпчиликнинг ёстиғини қуритиб, қарғишига қолишда улардан сира қолишмайдиган собиқ амалдор, қамоқхона бошлиғининг айғоқчиси ва сотқин. Ўз ватандошларини чоҳга итаради. Бироқ бу ишидан бир туки қилт этмайди.

Қиссада зериккан пайтлари "халқ душманлари"ни айғоқчилар ёрдамида қамоқхонадан қочишга ундаб, қалбида умид учқуни билан ўрмон бўйлаб қочаётган маҳбусларни кўнгилхушлик учун овлашдек жирканч ўйинни ўйлаб топган қамоқхона Бошлиғи образи ҳам мавжудки, уни мавжуд сиёсий тузум оддий дехқондан ашаддий каллакесарга айлантирган. Бошлиқ маҳбусларни, айниқса, ўзбек маҳбусларни жуда ёмон кўради. Уларни ҳеч қачон аямайди. Сассиқ баракларда зўрга кун кечираётган маҳбусларни ҳар хил қийноқларга солади. Қутирган итларни ойлаб оч сақлаб, маҳбусларни уларнинг олдидан ўтишга мажбур қилади. Қутирган итлар эса уларни ҳар тарафдан талайди. Тирик қолган маҳбусларни бундан-да баттар қийноқлар кутиб туради.

Асарда Раҳматуллоҳ ва Мирҳосилнинг исмлари тилга олинган холос. Ёзувчи қаттиқ адашган, риёкорлик қилган, иймонини сотган, инсонийликдан йироқлашган қаҳрамонларга исм беришни лозим топмаган. У бундай иллатли кишилар образларини умумлаштириб, уларни исмсиз, яъни Бошлиқ, Ёрдамчи, Комиссар, Қизил Командир, Вакил деб атаган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Тоҳир Малик ўз йўли ва услубига эга ёзувчи. У ўз асарлари орқали ижтимоий-адабий ҳаётга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган ижодкорлар ҳаётини бироз бўлса-да, очиб беришга ҳаракат қилади. Ёзувчининг ҳар бир асарида ўзгача қаҳрамонлар, қиёфаларни кашф этади киши. Унинг қаҳрамонлари инсон кўнглида моғор босиб қолаётган ҳисларни яна бир бора жунбушга келтиради. Инсонни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этади.